



МУНОСАБАТ

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ

ўзаро изчил ҳамкорлик
мамлакатларимиз
халқлари
манфаатларига хизмат
қилмоқда

Президентимиз Ислон Каримовнинг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин таклифига биноан ушбу мамлакатга қилган расмий ташрифи, унда давлат раҳбарлари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар жаҳон ҳамжамияти, етакчи сиёсатшунослар, депутатлар, олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари томонидан қизғин кутиб олинди.

► Давоми 2-бетда.

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

Солиқ билимлари — болаларга

Тошкент солиқ коллежиди Давлат солиқ қўмитаси томонидан Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда анъанавий «Солиқ билимлари — болаларга» кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди. Иштирокчилар «Солиқ мавзусининг суратлардаги тасвири», «Солиқ мавзусининг ҳикояларда акс эттирилиши», «Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати» мавзусидаги энг яхши ишро, «Солиқлар нимага тўланади ва нималарга сарфланади?» мавзусидаги энг яхши электрон тақдимот» йўналишлари бўйича баҳслашилди.

— Маҳаллий бюджетларнинг энг биринчи манбаи солиқ ва йиғимлар ҳисоб-ҳисобиди хаммамиз яхши биламиз, — дейди Тошкент солиқ коллежи директори Бахриддин Зайниддинов. — Шу сабабли ҳам болаларда солиқ тўлаш маданиятини солиққа ҳурмат билан қарашни шакллантиришимиз зарур. Хайъат

аъзолари умумий ҳисобда 54 ижодий ишни кўриб чиқди. Танлов иштирокчилари томонидан тайёрланган ушбу ишлар ўқувчиларнинг солиқ ҳақида етарли тасаввурга эга эканлигини кўрсатди.

Танлов якунларига кўра, Тошкент солиқ коллежи ўқувчилари Муҳайё Тоҳирова, Руслан Яковлев, Урганч шаҳридаги

1-умумтаълим мактабининг 1-синф ўқувчиси Сардор Салимов, Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйининг 8-синф ўқувчиси Моҳларойим Аҳмедова ғолибликни қўлга киритди.

— Расм чизишга жуда қизиқаман, — дейди Урганч шаҳридаги 1-умумтаълим мактабининг 1-синф ўқувчиси Сардор Салимов. — Ўқитувчиларим кўрик-танловда тасвирий санъат йўналиши бўйича қатнашини маслаҳат беришди. Бугун якуний босқич ғолиби бўлдим. Бундан жуда хурсандман.

Темур АЪЗАМ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



БУГУН
ОНА
ЮРТДА...

«КИТОБ ОЛАМИ» МАЖМУАСИ ОЧИЛДИ

Нукус шаҳрида «Китоб олами» мажмуасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур зиё масканининг майдони 300 квадрат метр бўлиб, унда ўрнатилган стендлардан 15 минг нусхадан кўпроқ китоблар ўрин олган, дейилади Матбуот ва ахборот агентлиги сайтида.

Айни вақтда Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Фарғона, Хоразм вилоятлари марказларида ҳам «Китоб олами» мажмуалари бунёд этилмоқда. Ушбу ишхотлар мустақиллигимизнинг 25 йиллик тантаналари арафасида ишга туширилади.

GERMANIYA ЭЛЧИСИ

Наманганга ташриф
бурорди

Германиянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси Найтхарт Хёффер-Виссинг Наманган вилоятига ташриф бурорди.

Мартабали меҳмонни Наманган вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров қабул қилди. Мулоқотда Наманганнинг бой тарихи ва бугунги тараққиёт йўли, иқтисодий салоҳияти, маданий обидалари ҳамда аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган саяё-ҳаракатлар, ёшларга берилаётган эътибор тўғрисида фикр юритилди.

Найтхарт Хёффер-Виссинг сафари давомида вилоятнинг диққатга сазовор жойлари, Наманган давлат университети ва унинг қошидаги 2-академик лицей, кўз касалликлари шифохонаси, кўп тармоқли болалар шифохонаси ҳамда «Нестле Ўзбекистон» қўшма корхонасида ҳам бўлди.

«БИГ БЭНД» Самарқандда

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳомийлигида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон давлат консерваторияси томонидан 7-30 апрель кунлари мамлакатимизда халқаро жаз фестивали бўлиб ўтмоқда.


Унда Франция, Швейцария, Чехия, Латвия ва Индонезия давлатларидан келган мусиқачилар иштирок эттишмоқда. Фестиваль доирасида Латвия радиосининг «Биг Бэнд» жаз жамоаси Самарқандда ўз дастурини намойиш этди. Бу ҳақда «Зарафшон» газетаси сайти хабар бермоқда.

— Ўзбекистоннинг қадимий ва гўзал шаҳри Самарқандда меҳмон бўлиб турганимиздан жуда хурсандимиз, — дейди Латвиянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси Эдгарс Бондерс. — Ўзбек халқи санъатсевар халқ, ўйлаётганимиз, концерт барчангизда унутилмас таассурот қолдилади.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ САЙТИДА ЎҚИНГ!

МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИ

ишчи-ҳодимларнинг ҳаёти, соғлиғи
билан боғлиқ долзарб масала



ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК
«ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

Дунё жамоатчилиги эътиборини кучайтириш мақсадида 28 апрель «Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кўни» деб эълон қилинган. Бу меҳнат ҳавфсизлиги таъминланиши, иш жараёнида ҳар томонлама мақбул шароит яратилиши, меҳнат муҳофазасини кучайтириш билан боғлиқ илғор ёндашувлар ҳаётга татбиқ этилишида муҳим аҳамият касб этади.

www.xdp.uz

ЎЗХДП: «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастурида қишлоқ врачлик пунктлари, тармоғини янада такомиллаштириш, жисмоний имконияти чекланган кишилар ва бошқа тегишли тоифаларга имтиёз асосда бериладиган дори воситалари ҳамда тиббий жиҳозлар рўйхатини кенгайтириш масалалари алоҳида эътибор қаратилган.

Хотин-қизлар тиббий кўрикдан ўтказилди

Шунга мувофиқ, партияимиз ташаббуси билан «Аёллар соғлиғи — жамият бойлиғи» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори томонидан ҳам мазкур лойиҳа доирасида амалий тадбирлар ўтказилляпти.

Ана шундай тадбирлардан бири Элликқалъа туман тиббиёт бирлашмасида бўлиб ўтди. Тумандаги «Бўстон», «Ибн-Сино» номидаги маҳалла фуқаролар ва «Қилчиноқ» овул фуқаролар

йиғинларидаги аёллар учун тиббий кўрик акцияси ташкил этилди. Унда 65 нафар аёл ва ёш она бепул тиббий кўрикдан ўтказилди ҳамда касаллиги аниқланганларга даволаниш учун йўланмалар ажратилди.

Тадбир давомида иштирокчиларга ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича тавсиялар берилди.

Санам ЖУМАМУРАТОВА,
ЎЗХДП Қорақалпоғистон
Республика кенгаши
сектор мудири.

СЎЗ — ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИГА

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

қонун устуворлиги
таъминланишининг муҳим омили

2

Аҳоли доимий ижтимоий муҳофазада

Хоразм вилоятининг Боғот туманида «Кучли ижтимоий ҳимоя — асосий мақсадимиз» лойиҳаси доирасида тадбир ўтказилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда партиянинг тарғибот гуруҳи аъзолари, депутатлар, туман ҳокимлиги масъуллари, бошланғич партия ташкилотлари раислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши сектор мудири Рустам Раҳимов, партия вилоят кенгаши раиси Раимбергн Сабуиров ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар жараёнида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, турмуш шароитини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Тадбирда «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами кўлаб-

қувватлаш партия дастурий мақсад ва вазифаларининг устувор йўналишларидан бири», «Кучли ижтимоий сиёсат — халқ фаровонлиги ва жамият ижтимоий барқарорлигининг муҳим омили» мавзуларида маърузалар тингланди.

Туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, солиқ инспекцияси, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, банклар филиаллари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими ва фуқаролар йиғинлари масъуллари аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ахборот берди.

А.ШОКИРОВ,
ЎЗА мухбири.

ЎЗХДП НАВОИЙ
ВИЛОЯТИ ТУМАН,
ШАҲАР
КЕНГАШЛАРИДА

НУРОТА ТУМАНИДА «ТАРФИБОТЧИ — МАҲАЛЛАДА» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА «ЁШЛАР ТАҚДИРИ УЧУН БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ» МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ.

«ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯДАН — ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИК САРИ» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДАГИ НАВБАТДАГИ ТАДБИР ТОМДИ ТУМАНИДА БЎЛИБ ЎТДИ.

НАВБАҲОР ТУМАН ПАРТИЯ КЕНГАШИ, ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ ВА БОШҚА ҲАМКОР ТАШКИЛОТЛАР ИШТИРОКИДАГИ ТИББИЙ АКЦИЯ «АЁЛЛАР СОҒЛИҒИ — ЖАМИЯТ БОЙЛИГИ» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН: «ИҚТИСОДИЁТ САБОҚЛАРИ»

ХАБАРЛАР
ТЎЛҚИНИДА

**Инвестиция
дастури
доирасида
8,04 триллион сўм
миқдорида капитал
қўйилмалар
ўзлаштирилди**

Бу жорий йилнинг январь-март ойларида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилди, дейилади Иқтисодиёт вазирлигининг расмий сайтида.

Президентимизнинг қарорига асосан, 2016 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида амалга оширилаётган 454 лойиҳа бўйича тармоқ жадваллари тасдиқланган.



Унда жорий йилда ишга туширилиши кўзда тутилган объектларга ускуналарни ўз вақтида етказиб бериш, қурилиш-монтаж ишларини муддатидан олдин якунлаш кўзда тутилган.

Айни пайтда 2017 йилга ўтувчи лойиҳалар бўйича ҳужжатлар тайёрлаш, тасдиқлаш, лойиҳаларни молиялаштириш, тендер савдоларини ўтказиш ҳамда ускуналар етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш ҳам жадвал суръатларида олиб борилмоқда.

Ҳамкорликдаги лойиҳа

Қўрғонтепа туманидаги «Савай» қишлоғида сут қабул қилиш маркази иш бошлади. «Газета.uz»нинг маълум қилишича, ушбу марказ Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг «Ўзбекистон Республикасининг алоҳида минтақаларида иқтисодиётни ривожлантиришга қўмаклашиш» лойиҳаси асосида очилди.



Лойиҳани амалга ошириш мақсадида GIZ томонидан «Савай», «Дарлак» ва «Дехқончак» қишлоқларидаги учта сут тўплаш пункти учун асбоб-ускуна харид қилинди. Ускуналар сутни қайта ишловчи «Оқ сув» холдинг томонидан ўрнатилди.

Мазкур марказ кунига 20 тонна сутни қайта ишлаш имкониятига эга. Етказилаётган сут ҳажмининг ошиши билан маҳсулот тури кўпаяди. Жумладан, Германиялик мутахассислар кўмағида юмшоқ ва қаттиқ пишлоқнинг янги навлари ишлаб чиқарилади.

Иқтисодий атамалар, категорияларнинг мазмун-моҳиятини оддий, халқчил тарзда газетхонларимизга тушунтириб бериш мақсадида мазкур рукн очилди.

РЕАЛ ВА НОМИНАЛ ДАРОМАД ДЕГАНИ НИМА?

Иқтисодиётда шундай атамалар борки, кенг жамоатчилик номини эшитиб юрса-да, маъносини тушунмайди. Фақат соҳа мутахассисларига у ёки бу атама ишлатилаётганда нима назарда тутилатганини аниқлайди.

Шу боисдан айрим иқтисодий атамалар, категорияларнинг мазмун-моҳиятини оддий, халқчил тарзда газетхонларимизга тушунтириб бериш мақсадида мазкур рукн очилди.

«ИҚТИСОДИЁТ САБОҚЛАРИ» рукни остида таниқли иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг иқтисодий атамалар ҳақидаги шарҳлари эълон қилиб борилади.

Сиз, азиз газетхонлар ҳам ўзингизни қизиқтирган саволлар билан таҳририятимизга мурожаат қилишингиз мумкин.

Бугун «Реал ва номинал даромад нима, улар бир-биридан қандай фарқланади?» деган саволга иқтисод фанлари номзоди, доцент АББОС НАБИХЎЖАЕВ жавоб беради.

— Даромад аҳоли турмуш фаровонлигини таъминловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Унинг миқдори аҳолининг истеъмол қобилиятини белгилаб беради. Шу нуқтаи назардан олганда, даромадларнинг турлари ва шаклланиши ҳар бир фуқарони қизиқтириши табиий.

Маълумки, ҳар битта оиланинг даромади аъзоларнинг иш ҳақи, тadbиркорлик фаолиятидан келадиган, давлат томонидан бериладиган нафақа, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулкдан, қимматли қозғолар савдосидан тушадиган фойза, дивиденд, рента ва бошқаларни ўз ичига олади.

Номинал даромадлар, масалан ишчининг муайян вақт давомида (ойда, йилда) оладиган даромади ҳисобланади.

Реал даромадлар эса номинал

даромадлар харид қувватининг ўзгаришини ифодалайди, яъни олинган даромадга қанча миқдордаги товар ва хизматларни харид қилиш мумкинлигини кўрсатади.

Реал даромад номинал даромад ҳажмини истеъмол нархлари индекси (инфляция даражаси)га бўлиш орқали аниқланади.

Шунинг учун, аҳоли даромадларини йиллар ва ҳудудлар бўйича таққослаганда номинал даромаддан эмас, реал даромаддан фойдаланилади.

Фараз қилайлик, ёлланма ишчининг иш ҳақи ўтган йили 1 000 000 сўм эди. Бу йили эса 1 100 000 сўмни ташкил этди. Бир қарашда даромад ҳажми ортди деб ҳулоса бериш мумкин. Лекин ҳақиқатан ҳам шундайми?

Буни аниқлаш учун бизга йиллик инфляция даражасини



билиш зарур бўлади. Мисол учун, агар инфляция даражаси 5 фоизни ташкил этган бўлса, у ҳолда реал даромад ҳажми $1\ 100\ 000 : 1,05 = 1\ 047\ 619$ сўмни ташкил этади ёки ўтган йилга нисбатан $47\ 619$ сўмга ортади. Агар инфляция даражаси 10 фоизни ташкил этса, реал даромад ҳажми ўзгаришсиз қолади ($1\ 100\ 000 : 1,1 = 1\ 000\ 000$). Агар инфляция даражаси 15 фоизни ташкил этса, жорий йилда реал даромад ҳажми ўтган йилдагига нисбатан камайд:

$1\ 100\ 000 : 1,15 = 956\ 522$ ва $956\ 522$ сўм $< 1\ 000\ 000$ сўм.

Демак, реал даромадларни ошириш учун инфляция даражасини жилавлан лозим бўлади.

Республикада мустақилликнинг дастлабки йилларидан аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилаш ва уларнинг реал даромадларини оширишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор суръатларида ривожланиши аҳоли даромадларининг ошишида асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, реал даромадларнинг ўсишига салбий таъсир кўрсатувчи иккинчи омил — инфляция даражасини ҳам меъёрга сақлашга ҳаракат қилинмоқда. Маълумот ўрнида 2015 йилда ушбу кўрсаткич 5,6 фоизни ташкил этганлигини қайд этиш лозим.

■ **КУЧЛИ ДАВЛАТДАН —
КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК
ЖАМИЯТИ САРИ**

САЙЛОВ — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

Мамлакатимизда жорий йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг масъулаҳатчилари сайловида Навоий вилоятида ҳам қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини қўлаб-қувватлаш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда маҳалла институтининг ролини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Маҳалланинг жамият бошқарувидаги ўрнини мустаҳкамлаш, жаҳон тажрибасида нобъ тузилма бўлган ушбу институт ваколати кенгайтирилатгани юксак самаралар бермоқда.

Навоий вилоятида 343 фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 3 минг 700 дан ортиқ масъулаҳатчиси сайланади. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ва унинг масъулаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонуни асосида кенг қўламли тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

— Вилотат марказида 30 маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, сайловларда 30 раис ва уларнинг 277 масъулаҳатчиси сайланиши лозим, — дейди Навоий шаҳар фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг масъулаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи комиссияси раиси Ахрор Пирназаров. — Комиссия аъзоларининг ҳар бирига иккитадан маҳалла бириктирилган, масъулаҳатчи ҳудудлардаги ишчи гуруҳларга сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича зарур тушунча ҳамда ҳуқуқий қўмак берилмоқда.

Навоий шаҳридаги «Ватан» маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган ишчи гуруҳи барча зарур ҳуқуқий ҳужжатлар, овоз бериш жихозлари билан таъминланган.

Вилотат сайловларни юксак савияда ташкил этиш ва ўтказиш, муқобиллик асосида номзодлар кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маҳалла аҳли ўзи ишонган, ташаббускор ва фидойий номзодни сайлаш учун барча шароит яратилмоқда.

Н.РАҲИМОВ,
ЎЗА муҳбири.

ЭЪЛОН

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги Ижтимоий ҳимоя йили
Давлат дастури тўғрисидаги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги
Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-
тадбирлар тўғрисидаги 409-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида:**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги 1475-сонли Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори талаблари асосида, 2016-2017 ўқув йилида 1-синфга қабул қилинадиган ўқувчилар ва касаллиги тўғрисида яқна тартибда уйда таълим олаётган ногирон болалар учун ўқув қуролларидан шарикли ручка маҳсулотини харид қилиш учун қайта очик тендер савдолари ўтказилишини эълон қилади.

Очик турдаги тендер савдоларида мулкчилик шаклидан қатъи назар 1-синф ўқувчилари ҳамда яқна тартибда уйда таълим оладиган ногирон болалар учун ўқув қуроллари ишлаб чиқариш ёки буюртмачига сифати ва баҳоси жиҳатидан маъқул тарзда етказиб бериш имкониятига эга барча кичик бизнес субъектлари — юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

Бунда тегишли маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектларига имтиёзлар қўлланилади.

Тендерда маҳсулотларнинг тегишли ҳажмини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган ҳам хорижий фирмалар ва ташкилотлар, ҳам республикадаги ишлаб чиқарувчи корхоналар (товар етказиб бериувчилар) қатнашиши мумкин.

Тендер савдоларида қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайди:

— тугатилиш, қайта ташкил этилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлганлар;

— ўз муддатида ва ўрнатилган тартибда саралаш босқичи учун керакли бўлган барча зарур ҳужжатларни тақдим этмаганлар;

— Халқ таълими вазирлиги ва «Ўқув таълим-таъминот» давлат унитар корхонаси билан аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган

мажбуриятларни ўз муддатида бажармаганлар;

— мазкур эълон нашр этилган санага қадар 6 (олти) ойдан кам муддат ичида ташкил топган корхона ва ташкилотлар;

— Халқ таълими вазирлиги ва «Ўқув таълим-таъминот» ДУК билан суд ёки арбитраж жараёнларини бошдан кечираётганлар;

— Тендер комиссиясининг тижорий ва молиявий талабларига жавоб бермайдиганлар.

Тендер таклифлари (конвертлар) очилганига қадар, Тендер комиссияси ёки Тендер комиссияси топширигига асосан Тендер комиссиясини Ишчи органи томонидан тендер савдоларида иштирок этиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар саралаш босқичидан ўтказилади. Бунда талабгорлар Тендер комиссиясининг Ишчи органига тендер таклифи билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тўпламини алоҳида (папкада) тақдим этиши лозим:

Талабгор — Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотлари учун:

— ходимлари сони ва талабгорнинг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисидаги давлат солиқ инспекциялари томонидан берилган маълумотнома;

— маҳаллий хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органларидан талабгор банкротлик ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

— маҳаллий Давлат рўйхатига олувчи органлардан талабгорнинг тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

— талабгорнинг юридик шахс сифатида Давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусخаси;

— Давлат солиқ инспекцияси ва талабгор ўртасида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар

олдидаги мажбуриятлар бўйича ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган солиштирув — далолатномасининг (кенгайтирилган) асл нусхаси (мазкур ҳужжат эълон нашр этилган санадан кейинги ҳолатга тақдим этилиши лозим);

— талабгорга хизмат кўрсатувчи банкнинг талабгорни ҳисоб рақамларида картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи тегишли маълумотнома (мазкур ҳужжат эълон нашр этилган санадан кейинги ҳолатга тақдим этилиши лозим);

— талабгорнинг Ишчи органига тендер таклифига мос маҳсулот намунасини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси;

— талабгорнинг Тендер ҳужжатлари тўплами (китоби)ни сотиб олиш учун тўловини тасдиқловчи тўлов топшириқномаси асл нусхаси.

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИР кўрсатилган бўлиши шарт.

Талабгор — хорижий корхона ва ташкилотлар учун:

— талабгор — корхона тўғрисида халқаро масштабдаги аудитор компания ҳулосаси (хисоботи, изоҳ-тушунтириш хатини илова қилган ҳолда). Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг тегишли консуллик ташкилотлари ёки ваколатхоналарида легаллаштирилган бўлиши шарт;

— талабгорнинг юридик шахс сифатида Давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси (мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг тегишли консуллик ташкилотлари ёки ваколатхоналарида легаллаштирилган бўлиши шарт);

— талабгорнинг Ишчи органига тендер таклифига мос маҳсулот намунасини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси;

— талабгорнинг Тендер ҳужжатлари тўпламини сотиб олиш учун

тўловини тасдиқловчи тўлов топшириқномаси асл нусхаси.

Саралаш босқичи тендер таклифларини қабул қилишнинг охириги санасидан бошлаб 3 кун муддат ичида ўтказилиши кўзда тутилади.

Агарда тендерда республикада ишлаб чиқарувчи корхоналар билан бирга импорт товарлари етказиб бериувчи хорижий корхоналар иштирок этганда, қонунчилик билан ўрнатилган тартибда республикада ишлаб чиқарувчи корхоналарга

Тендер савдоларида харид қилинадиган шарикли ручка маҳсулот миқдори ва унинг энг юқори нархи

Т/Р	Харид қилинадиган маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Харид қилинадиган маҳсулотнинг энг юқори баҳоси (сўмда)
1	Шарикли ручка	дона	670 851	300,0

20 фоизгача миқдорда нарх имтиёзлари берилмайди.

Тендер савдоларида ғолиб деб топилган корхона ва ташкилотлар «Ўқув таълим-таъминот» ДУК билан имзоланган шартномалар бўйича барча мажбуриятларини шартномада келишилган муддатлар ичида бажаришлари талаб этилади.

Тендер савдоларини ўтказиш жараёнида ва тартиби ҳақида қўшимча маълумот олиш истагида бўлган талабгорлар, Тендер комиссиясининг Ишчи органи ҳисобланган «Ўқув таълим-таъминот» ДУКга эълон нашр қилинган санадан бошлаб (ҳафтанинг шанба ва яшанба кунларидан ташқари) ҳар куни соат 10:00 дан 17:00 га қадар қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Ишчи орган манзили: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 3-берк кўча, 92-уй. Телефонлар: (+99871) 267-01-83; 267-74-50; 267-28-70. Факс: (+99871) 267-71-16.

Бундан ташқари, мазкур тендер савдолари ҳақидаги маълумот Халқ таълими вазирлигининг www.uzedu.uz электрон сайтида эълон қилинган.



РАНГ-БАРАНГ
ЯНГИЛИКЛАР

Жаҳон банки лойиҳаси

Жаҳон банки ижрочи директорлари кенгаши 27 апрель куні «Ўзбекистонда олий таълим тизимининг модернизацияси» лойиҳасини амалга ошириш учун Халқаро тараққиёт ассоциацияси томонидан 42,2 миллион АҚШ доллари миқдоридан кредит ажратилишини маълум қилди, дея хабар бермоқда «Газета.уз» Жаҳон банки матбуот хизмати ахборотида таяниб.

Лойиҳа олий таълим тизимида бошқарув салоҳиятини кучайтириш, университет ва институтларда ўқув жараёнини такомиллаштиришга қаратилган.

Икки килограммли лимон

Пойтахтимиздаги «Кўргазма савдо маркази»да бўлиб ўтган IX Инновацион гоялар, технологиялар ва лойиҳалар ҳудудий ярмаркасида Тошкент давлат аграр университети олимлари томонидан яратилган лимон нави тақдим этилди. Янги технология асосида етиштирилган лимон кўчати тўрт йилда ҳосил беради. Бу ҳақда uz24.uz сайти хабар бермоқда.

Ушбу лимон нави ҳосилдорлиги билан ажралиб турди. Меваларининг ҳар бири 1-2 килограммгача етди. Одатда бир гектар лимонзордан ўртача 40-45 тонна ҳосил олинса, янги нав гектарига 70-75 тонна ҳосил бериши мумкин.

Терма жамоамиз ўртоқлик учрашуви ўтказди

Жаҳон чемпионати — 2018 саралашининг учинчи босқичига тайёргарлик доирасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси Иордания билан ўртоқлик учрашуви ўтказди.

Ўзбекистон футбол федерацияси матбуот хизмати берган хабарга кўра, мазкур ўйин 10 ноябрь куні Тошкентда бўлиб ўтади.

Самвел Бабаев бошчилигидаги терма жамоа жаҳон чемпионати саралашининг учинчи босқичига тайёргарлик доирасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси Иордания билан ўртоқлик учрашуви ўтказди.

7 МАЙ — АЛОҚАЧИЛАР КАСБ БАЙРАМИ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

акциядорлик компанияси

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали жамоаси

халқимизни, алоқа, ахборотлаштириш
ва телекоммуникация соҳаси ходимларини

7 МАЙ — АЛОҚАЧИЛАР КАСБ БАЙРАМИ,

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

билан табриклайди!

ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ ҲАМИША МУСАФФО БЎЛСИН!



Хизматлар лицензияланган.



«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

акциядорлик компаниясининг

ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

алоқа, ахборотлаштириш
ва телекоммуникация соҳаси ходимларини

7 МАЙ — АЛОҚАЧИЛАР КАСБ БАЙРАМИ

билан муборакбод этади!

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз касбдошлар!



Хизматлар лицензияланган.



NBU

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚTICODИЙ ФАОЛИАТ МИЛЛИЙ БАНКИ

мустақил баҳоловчи
ташқилотларни «Gazalkent
Stone» МЧЖ устав
фондидаги 100 фоиз улуш,
бизнеснинг бозор қийматини
баҳолаш ҳамда баҳолаш
ҳисоботини экспертизадан
ўтказиш бўйича
танловда иштирок этиш
учун таклиф этади.

Таклифларни елимланган
конвертда фирма бланкасида
имзо ва муҳр босилган ҳолда
2016 йил 4 майга
қадар жўнатишингиз
сўралади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир
Темур шоҳ кўчаси, 101-уй
Банкнинг инвестиция
фаолиятини мониторинг
қилиш ва мувофиқлаштириш
Департаменти

Қўшимча маълумотлар учун
телефонлар: (0-371) 234-11-22,
234-15-60,
факс: (0-371) 234-43-31
ёки www.nbu.uz сайтида

Хизматлар лицензияланган.

«Ўзтрансгаз» акциядорлик компани-
яси жамоаси компания бошқаруви
раиси Шукрулло Маҳмудовга онаси
ТОЖИБИ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур
таъзия изҳор этади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
халқ таълими ходими, филология
фанлари доктори, профессор
ҲАМИД НЕЪМАТОВнинг
вафоти муносабати билан бир гуруҳ
дўстлари марҳумнинг оила аъзолари-
га чуқур таъзия изҳор қилади.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir birinchi o'rinbosari: Farrux HAMROYEV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV	Saidkamol	Saidahmad
Hotamjon KETMONOV	XODJAYEV	RAHIMOV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	Tat'yana
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	KISTANOVA
	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

№ — 459
15101
nashrda
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20:30
Topshirilgan vaqt — 23.20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:


Allsher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 4 5 6